



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG'I

20 17 yil "13" /1/

№ 691

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимига валеология тамойилларини киритиш ҳамда келгусида тиббий патронаж хизматини янада такомиллаштириш, аҳоли орасида тиббий маданият ва соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июндаги “Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3039-сонли ҳамда 2017 йил 12 июндаги “Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3052-сонли қарорларига асосан республика аҳолиси орасида тиббий маданиятни ва соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, соғлиқни сақлаш амалиётига тиббий профилактика ва валеологик тамойилларнинг (саломатлик ҳақидаги фан) аниқ механизмларини татбиқ этиш орқали республикада амалга оширилаётган давлат дастурларининг саломатликка йўналтирилган устуворлигини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлат концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

келгусида соғломлаштириш тиббиётини ривожлантириш бўйича касалликлар профилактикаси тизимини модернизация қилиш нуктаи назаридан жамиятда фуқароларни ўз саломатлигига масъулиятини шакллантириш ва тиббий маданиятини ошириш бўйича замонавий илмий

000636

асосланган соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришнинг самарали услублари шифокорлар томонидан аҳоли орасида жорий этилади;

таклиф этилаётган замонавий модель илмий-амалий ва услубий-ташкилий жиҳатдан “Валеология” (саломатлик ҳақида) фанига, соғлом ҳаёт тарзини (ўз саломатлигига масъулият билан қараш) шакллантиришнинг ягона тизим сифатида самарали натижасини берганлигини, аҳоли орасида турли даражаларда мақсадли гуруҳлар билан ишлаганлигини (индивидуал, гуруҳларда ва популяцияда), нозологиягача ташхис, саломатлик индекси ва индивидуал соғломлаштириш дастурларига асосланади.

3. Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси (Ф. Шарипов), Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истикболни аниқлаш бош бошқармаси (М. Мирталипов):

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида валео-кабинетлар ташкил этиш;

ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида тегишли касалликлар профилактикаси ва соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш бўйича мунтазам фаолият юритувчи лаборатория (бўлим) ва саломатлик мактабларини ташкил этиш бўйича тегишли тартибда таклиф киритсин.

4. Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси (У. Исмаилов):

валеология фани бўйича ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин ва зарур ҳолатларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб, келгусида республикадаги барча тиббиёт таълим муассасларида ягона ўқитиш дастури сифатида тасдиқлаш ҳамда валеология фанини тиббиёт олий, ўрта махсус таълим ва дипломдан кейинги таълим тизимида ўқитиш учун курс сифатида киритиш;

валеология фанини жамият саломатлигини сақлашнинг илмий-амалий ва услубий йўналиши сифатида соғломлаштириш тиббиёти (превентив) фани сифатида киритиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таклиф киритсин.

5. Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси (У. Исмаилов), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Х. Акилов) билан биргаликда:

ҳалқаро етакчи мутахассислар иштирокида валеологияга оид ҳудудий долзарб муаммоларни қамраб олган илмий-амалий анжуманлар, семинарлар мунтазам ташкил этилишини таъминласин;

ҳудудларда соғлиқни сақлаш тизимини врач-валеологлар билан таъминланганлик даражаси мониторинги ва таҳлили юритилишини йўлга қўйсин;

валеология мутахасислиги бўйича магистратура, клиник ординатура, қайта тайёрлаш ва ихтисослаштириш ўқитилиши ҳисобига жойларда кадрлар танқислигини қоплаш масаласини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг барча бўғинидаги раҳбарлар “Валеология” фани бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Валеология кафедрасида мувофиқлаштирилган ягона ўқув дастури асосида қуйидаги ҳажмларда мунтазам ўқитилиши таъминлансин:

туман, шаҳар, вилоят, республика тиббиёт муассасаларининг бош шифокорлари учун 36 соат;

умумий малака оширишда врач-валеолог, УАШ, қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ва қишлоқ оилавий поликлиникалари (ҚОП), тиббий-профилактика муассасалари шифокорлари учун 144 соат;

мавзуй малака оширишда тор мутахассислар, ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар, кўп тармоқли клиник шифохоналар, тиббий-санитар қисм ва бирлашмаларнинг шифокорлари учун 72 соат;

дипломдан кейинги ихтисослаштиришда врач-валеолог (саломатлик бўйича мутахассис) учун 216 соат.

7. Валеология фанидан бажарилган ўқув соатлар шифокорларнинг малака тоифаси белгиланишида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов

“Аҳолининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлат концепцияси”ни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби

Б.Қ. Юсупалиев	Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис;
Ў.С. Исмаилов	Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари;
Ф.Р. Шарипов	Даволаш-профилактика ёрдамани ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо;
Л.Н. Туйчиев	Тошкен тиббиёт академияси ректори
Х.А. Акилов	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори
А.М. Шамсиев	Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори
Ш.Б. Иргашев	Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Валеология” кафедраси мудири, аъзо;
Ж.А. Ризаев	Тошкент давлат стоматология институти ректори, аъзо;
А.С. Бабаджанов	Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг “Умумий амалиёт шифокори ва клиник фармакология” кафедраси мудири, аъзо;
Х.Е. Рустамова	Тошкент тиббиёт академияси “Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедраси мудири, аъзо.